

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Ю.Каримова</b>	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор анъаналари.....	169
<b>М.Омонова</b>	
Эркин Самандарнинг “Тангри кудуғи” тарихий романида анъанавий мотив ва тимсолларнинг ўрни.....	173
<b>Ҳ.Раҳматжонова</b>	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси.....	176
<b>Ш.Каримова</b>	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси.....	178
<b>С.Олимжонов</b>	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида).....	181
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши.....	185
<b>Н.Умарова</b>	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони.....	188
<b>И.Хабибжонов</b>	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари.....	191
<b>А.Зинатуллина</b>	
Ўзбек ва француз тиллардаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари.....	194
<b>Н.Сабирова</b>	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари.....	197
<b>Д.Газиёва, М.Қушматова</b>	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида.....	202
<b>И.Деҳқонов</b>	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси.....	206
<b>Д.Махаметова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар.....	209
<b>Х.Марипова</b>	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши.....	213
<b>Г.Сайдалиева</b>	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни.....	216
<b>С.Юлдашев</b>	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари.....	220
<b>Ж.Оришев</b>	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари.....	222
<b>Ш.Арипов</b>	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги.....	226
<b>Н.Хошимова</b>	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар.....	230
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
<b>ИЛМГА БАХШИДА УМР.....</b>	233

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМ УСУЛИДАН ФойДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

### ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА, ОСНОВАННОГО НА ПРОЕКТНОМ ОБУЧЕНИИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

#### ADVANTAGES OF USING PROJECT-BASED METHODOLOGY IN EDUCATIONAL PROCESS

Оришев Жамшид Баҳодирович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Оришев Жамшид Баҳодирович

– А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти, ўқитувчи.

#### Аннотация

Ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни, жумладан, ўқув машғулоти лойиҳалаш усулини қўллаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Мақолада таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш масалалари таҳлил этилади.

#### Аннотация

В процессе обучения применение современных педагогических технологий, в частности, метода проектирования учебных занятий служит важным фактором повышения качества и эффективности образования. В работе рассматривается использование проектного обучения в учебном процессе.

#### Annotation

While teaching the use of modern teaching technologies, a project-based method is an important factor in improving the quality and efficiency of education. This scientific thesis is devoted to the project-based learning in the educational process.

**Таянч сўз ва иборалар:** таълим жараёни, лойиҳа, лойиҳалаш модели, лойиҳалаш босқичлари, лойиҳа турлари, таълим технологияси.

**Ключевые слова и выражения:** процесс образования, проект, модель проектирования, этапы проектирования, виды проектирования, технология образования.

**Keywords and expressions:** education process, project, project model, project stages, types of projects, educational technologies.

Ҳозирги глобаллашув даврида таълим жараёни халқаро рақобат шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омилли ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги – таълим тизимининг ҳолати билан аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ.

Шу сабабли республикамызда жамият ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган замонавий узлуксиз таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2019-йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан таълим тизимини бардавом ислоҳ қилиш билан боғлиқ.

Таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамаздан, таълим сифат самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири – бу, таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари

ҳамда интерфаол технологиялари, хусусан, лойиҳали таълимнинг ноъананавий методлари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида юқори даражадаги самарадорликка эришиш – бу, таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштиришдир. [1,11]

Маълумки, лойиҳалаш жараёни ёки лойиҳали таълим усули – бу, кенг қамровли тушунча.

Лойиҳалаш методи деганда, биз дидактик мақсадга эришиш учун муаммоларни топиш, аниқлаш ва уларни ишлаб чиқиш (технология) усулларини тушунамиз. Турли шаклда ифодаланган ишланма (лойиҳа) ҳаётини, амалий натижа билан яқунланиши ва у ҳаётда қўлланилиши мумкин. [2,14]

Лойиҳа тушунчаси эскиз ва режаларни англатиш учун дастлаб Рим архитектура мактабида XVI асрда пайдо бўлган. Аста-секин бу тушунча таълим олувчилар томонидан мустақил бажариладиган танлов топшириғи сифатида педагогик маънода ҳам ишлатила бошланди. “Лойиҳа” сўзининг луғавий маъноси лотинчада “projectus” – “аслига мувофиқ”, “олдинга ташланган” деган маънони англатади. [3,13]

Биз лойиҳали таълим услубини таълим жараёнида қўллашга оид бир қатор ишланмаларни таҳлил қилганимизда, таълим жараёни сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун амалга оширишимиз керак бўлган қуйидаги ишларни бажариш кераклигини аниқладик:

- таълим жараёнидаги ривожланган давлатларнинг илғор услубларидан республикамиз таълим жараёнига янада кенгроқ татбиқ этиш ва уни ривожлантириш зарурлиги;

- лойиҳали таълимни таълим жараёнида қўллаш ва у орқали таълимда самарадорликка эришиш босқичларини янада такомиллаштириш кераклиги;

- лойиҳали таълимда ўқув машғулотлари учун дидактик материалларни бойитиш;

- лойиҳалаштиришнинг илмий-методик асосларини яратиш ва уларни такомиллаштириш;

- таълимни лойиҳалаштиришда дастурий-дидактик материаллар тайёрлаш ва улардан ўқув жараёнида қўллаш имкониятларини яратиш;

- лойиҳалаштирилган таълимда педагогик технологиялар, методлар, усуллардан ўринли фойдаланиш ҳолати ва ҳоказо.

Юқорида қайд этилган фикрлар, умумий хулосалардан келиб чиқиб, кўп йиллик тажрибаларимизга таянган ҳолда лойиҳали таълимнинг такомиллашган усулларидан, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш имкониятларини беради, деган хулосага келдик ва буни мазкур тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади қилиб олдик.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун, аввало, лойиҳали таълимни ташкиллаштириш ва уюштириш лозим бўлади.

Лойиҳали таълимни ташкил қилишда қуйидаги шартларни таъминлаш зарур:

- лойиҳали таълимни қўллаш имкониятларини аниқлаш;

- эгалланган билим, кўникма ва малакаларни қўллаш шароитларини режалаштириш;

- таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларига ўқув топшириғининг мослигини ўрнатиш;

- меҳнатнинг хавфсиз шароитини таъминлаш;

- таълим муассасасининг ва атроф-муҳитнинг таълим ресурсларини жалб қила олиш;

- ўқитиш жараёнида замонавий таълим технологиясининг асосий ташкил этувчилари (таълим берувчи, таълим олувчи, таълим шакллари, таълим мақсади, кутилаётган натижа, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини назорат қилиш (мониторинг олиб бориш ва баҳолаш) ва улар орасидаги ўзаро боғланиш қонуниятларига доимо эътиборда бўлиш;

- таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ўқув предметларига электрон воситаларни (аудио, видео, проектор, интерфаол доска, радио ва телевидение, компьютернинг глобал тармоғи ва шу кабилар) қўллаш асосида дарс жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш ва ҳоказо.

Объектлар, тизимлар, технологиялар, инсон фаолиятининг хоҳлаган доирасида эҳтиёжларни қондириш бўйича тайёрланган ишланмалар лойиҳанинг натижаси,

самараси бўла олиши мумкин. Эҳтиёжлар моддий бўлиши билан бирга маънавий ҳам бўлиши мумкин.

Лойиҳани бажариш – бу, материални, мавзу юзасидан зарур ахборотни тўплашнинг эмас, балки эришилган билимларни амалда қўллаш ҳамдир. Масалан, экскурсия ташкил қилиш, стендлар, альбомлар тайёрлаш, имконият даражасида видео ёки фотосъёмкалар тайёрлаш, видеофильм, презентациялар тайёрлаш, таниқли инсонлар билан қизиқарли учрашувлар уюштириш, ишлаб чиқариш усталари билан ҳамкорлик, конференцияларга тайёрланиш, грант лойиҳаларини тайёрлаш, аниқ амалий ишлар бажариш ва ҳаказо.[3,39]

Бунда лойиҳали фаолият объектини танлашда таълим берувчи амалий таълимнинг мазкур усулининг амалга оширилишида зарур талабларни ҳисобга олиши керак. Бу талаблар орасида:

- таълим олувчининг фаолиятнинг ушбу турига тайёргарлиги;
- таълим олувчининг муаммога қизиқиши;
- таълим олувчилар томонидан лойиҳани бажариш учун зарур бўлган янги билимларни эгалланиши;
- лойиҳанинг йўналтирилганлиги ва аҳамияти;
- ижодий топшириқнинг қўйилиши;
- лойиҳанинг амалда рўёбга чиқарилиши ва шу қабилар мавжуд.

Лойиҳали таълим қуйидаги долзарб таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади:

- таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан баҳолаш ва таълим олувчиларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имконини беради;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни таъминлайди.

Лойиҳали таълим усулида қўлланиладиган энг муҳим педагогик усулларни жорий этишда, аввало, педагог таълим олувчиларнинг ихтиёрий ҳамда қизиқиб лойиҳали фаолият юритишларини таъминловчи “лойиҳани ишга туширишни” атрофлича ўйлаб кўриши зарур. Бу муаммоли вазиятнинг яратилиши ва

таълим олувчи учун ҳаётий муҳим бўлган амалий вазифаларни муҳокама қилиниши, порлоқ келажак, ўзига чорловчи истиқбол тўғрисида ҳикоя, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этиш таклифи билан обрўли шахсларнинг мурожаати ва бошқалар бўлиши мумкин.

Қачонки таълим олувчилар якка тартибда ва гуруҳ бўлиб муаммони ҳамда унинг ечимини излашганда, энг яхши вариантлар, ғояларни танлаб олишда, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишда, асослаб беришда лойиҳа устидаги ишни “ақлий ҳужумсиз” амалга ошириш мумкин эмас.

Лойиҳали таълимда ишнинг натижаларини намойиш қилиш шаклини танлаш унчалик муҳим эмас. Бу, видеофильм, китоб, макет, журнал (оғзаки ёки ёзма), саҳна намойиши, ташвиқот гуруҳининг чиқиши, таълим муассасаси хоналарини жиҳозлаш, спорт майдонини яратиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин [3,41].

Лойиҳани намойиш қилиш шакли унинг мавзуси, мақсади, мазмуни, муаллифнинг умумий фикри билан аниқланади.

Лойиҳали таълимнинг самарадорлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимларни турли манбалардан мустақил равишда эгаллайдилар;
- амалий масалаларни ҳал этиш учун эгалланган билимларни қўллашни ўрганадилар;
- ҳар хил гуруҳларда ишлаб, коммуникатив кўникмаларни эгаллайдилар;
- ўзларида тадқиқотчилик маҳоратларини оширадилар (муаммоларни аниқлаш маҳорати, ахборот йиғиш, кузатиш, синов, таҳлил ўтказиш, фараз қилиш, умумлаштириш);
- тизимли фикрлашни амалга оширадилар.

Агар лойиҳанинг мақсадига эришилган бўлса, унда биз таълим олувчининг билиш қобилияти ва унинг ўқув билим фаолиятида мустақиллигининг ривожланишида ифодаланган сифат жиҳатдан янги натижа олинди, деб ҳисобласак бўлади.

Агар таълим олувчи ўқув лойиҳалари билан ишлашни билса, биз ишонамизки, у ўзининг кейинги ҳаётида кўплаб зафарларга эришади: ўзининг фаолияти

режасини туза олади, ҳар хил шароитларда керакли мўлжални ола билади, ҳар хил одамлар билан ишлашни ўрганади, шартли мослашувчанликка эришади ва ҳоказо.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида таълим олувчи фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда уйғотиб бориш мақсадини кўзда тутуди. Ўз навбатида таълим жараёни ҳам ўзига хос турли хил вариантли динамик жараёндир ва уни бошқариш етарли даражадаги ижодкорликни талаб этади [4,21].

Барча таълим муассасаларида қўйиладиган энг муҳим талаб ва илмий-техникавий, ижтимоий тараққиётнинг қатъий шarti – ижодий шахс сифатларини ривожлантириш. Шу мақсадда замонавий ўқув жараёнида репродуктив усул билан бир қаторда продуктив, қидирув-ижодий усулларни ҳам қўллаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш қуйидаги таълимий афзалликларни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз:

- мантиқий фикр юритиш, муаммоларни илмий, ижодий ечишга ўргатади;
- зарурий билимларни мустақил ижодий қидиришга ўргатади;
- ўқув-билув жараёнида учраган қийинчиликларни енгишга ўргатади;
- ўқув материални далилий асосларда тайёрлай олади;
- ўқув материалнинг ўзлаштирилишини чуқурроқ ва мустаҳкамроқ қилади;
- билимларнинг ишончга айланишига кўмаклашади;

- таълим олишга нисбатан ижобий ҳисларни ҳосил қилади;

- билишга қизиқишни шакллантиради ва ривожлантиради;

- ижодий шахсни шакллантиради. [5,29]

Лойиҳали таълим ҳақида берилган маълумотлардан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

- таълим тизимига лойиҳалаштириш яхлит динамик тизим деб қараш мумкин;

- бугунги кунда таълимни лойиҳалаштиришга инфор­мацион технологияларни жорий этиш ва таълим олувчилар компьютер техника­сидан фойдаланишни мукамал ўрганиб олишларига эришиш мумкин;

- таълим олувчиларнинг INTERNET тармоғидан фойдаланишга бўлган қизиқиши ортади ва шу боисдан жаҳон миқёсидаги билимларни ўзлаштиришга эришиш мумкин;

- ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш орқали таълимни лойиҳалаштиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш мумкин;

- бугунги кунда таълимни лойиҳалаштиришда комплекс ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятлари мавжуд.

Юқорида қайд этилган услубий тавсиялар асосида таълим бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда жаҳон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош мутахассислар – баркамол авлод тайёрлашга эришиш мумкин.

#### Адабиётлар:

- 1.Бегимкулов У.Ш., Джураев Р.Х., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. – Т., 2011.
- 2.Джураев Р.Х, Мирзаев Ч.Э., Рахимов Б. Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш жараёнини комплекс лойиҳалаш // Узлуксиз таълим. Илмий –услубий журнал. – Тошкент. – 2008. - №3.
3. Краля Н.А. Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся. Россия. Омск. Издательство ОмГУ 2005.
- 4.Тўрақулов Х.А. ва бошқалар. Техника фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллашнинг илмий педагогик асослари. - Фарғона, Техника 2003.
- 5.Махмудова Н.Д. Таълимни ривожлантиришда педагогик технологияларнинг афзалликлари // Касб – ҳунар таълими журна­ли. –Тошкент. - 2011. -№ 2.
- 6.Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. -Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2015.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)